


Нубувват хонадонидан муҳаббат қиссаси (биринчи мақола)



11:00 / 10.12.2021 2309

Муҳаббат энг бетакрор инсоний туйғулардан бўлиб, қадимдан барча жамиятлар ҳаётида юқори ўрин тутган. Хусусан, икки жинс вакиллари ўртасидаги муҳаббат мавзуси барча завқи соғлом инсонларни ҳамиша ўзига ром этиб келган. Исломият тарихида ҳам бу мавзуга ўзига хос эътибор қаратилган эса-да, афсуски, буни кўпчилик яхши билмайди.

Одатда Ислом ҳақида гапирганимизда асосан жиддий мавзулар – ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, адолат, ибодат, сиёсат, риёзат ва бошқа шу каби масалалардан сўзлайверганимиздан Исломда севги-муҳаббатга ўрин йўқдек кўринади. Ислом тарихи, хусусан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳақидаги суҳбатларимизда ҳам кўпинча ана шундай жиддийлик билан чекланиб қоламиз. Бироқ, башарият ҳаёти фақат шу мавзулардан иборат эмас! Аллоҳ таоло инсоният ҳаётини хилма-хил туйғулар, бетакрор шуурлар билан рангдор, тотли қилган экан, У Зот Одам болалари учун нозил қилган илоҳий таълимотларида, соф табиат динида бу жиҳатни эътибордан соқит қилиши мумкин эмас эди. Шу боис, Қуръон ва Суннатда бу борада ўзига хос ўрин борлигини кузатиш мумкин. Зотан, Ислом инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат этади: **«У Зотнинг оятларидан (мўъжиза ва неъматларидан) бири – сизларга ўзларингиздан жуфтлар яратиб, орангизга севги ва меҳр солиб қўйгандир. Албатта, бунда**

тафаккур қиладиган одамлар учун оят-белгилар бордир» (Рум сураси, 21-оят).

Ушбу ояти каримада эр-хотин ўртасидаги муҳаббат илоҳий чизги бўлиб, Аллоҳ таолонинг қудрати белгиларидан экани таъкидланмоқда. Бироқ У Зот Ўз шариатида ушбу муҳаббатнинг ҳалол-пок йўл билан, никоҳ воситасида бўлиши лозимлигини қайдлаш орқали инсон зотини шарафлаган ва имтиҳон қилишни ирода этган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари барчамиз учун барча жиҳатдан гўзал ўрнақдир. У зотнинг нафақат масжиддаги ёки жамият ўртасидаги сийратлари, балки хонадонларидаги тутумлари ҳам сизу бизга жуда кўп ҳаётий ҳақиқатларни кўрсатиб беради. Шу боис, нубувват хонадошида эр ва хотин ўртасидаги муҳаббат ва вафо қандай бўлганини Набийимизнинг жигарбандлари Зайнаб бинт Муҳаммад ва домодлари (куёвлари) Абу Ос ибн Рабиъ мисолида баён этмоқчимиз.

Муҳаммад алайҳиссалом табиатан мулойим, меҳрибон киши эди. Ҳеч қачон биров билан жанжаллашмаган, биров билан уришмаган. Ҳамиша заифлар, бечораларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга уринарди, зотан, у киши яшаётган жамиятда адолатсизлик, ҳақсизлик ҳукмрон эди. Хусусан, аёлларга бўлган муносабат жуда ҳам аянчли ҳолатда эди. Иш шунга бориб етган эдики, одамлар қиз кўришдан ор қилишарди, ҳатто айрим жоҳиллар қизалоқларни тириклайин кўмишгача боришарди. Муҳаммад алайҳиссалом жоҳилиятнинг бу жирканч одатларидан, ваҳшийликларидан ҳамиша озурда бўлиб, қаттиқ нафратланар эди.

Муҳаммад алайҳиссалом 25 ёшга тўлганида Хадижа бинт Хувайлид деган номдор, олийжаноб аёлга уйланди. Аллоҳ бу бахтиёр оилага ўғил фарзанд берди. Унга Қосим деб исм қўйишди. Улар ўғил кўрганларидан хурсанд эсалар-да, қиз фарзанд кўришни ич-ичларидан қаттиқ исташар, орзулар эдилар. Айниқса, Муҳаммад алайҳиссалом қиз туғилса, жоҳилият аҳлининг қизалоқларга бўлган золимларча муносабатига акс ўлароқ, каримасига чексиз меҳру шафқат кўрсатиб, уни ардоқлаб, жамият учун керакли, оиласи учун фидокор, баркамол аёл қилиб тарбиялаб, аёл зотининг асл ҳақиқатини, унинг қанчалар кераклилигини, қадр-қийматини одамларга кўрсатиб қўйишни қалб-қалбдан истар эди.

Афсуски, Қосим узоқ яшамади, бир ярим ёшида вафот этди. Орадан уч йил ўтиб, яна узоқ кутилган хурсандчилик онлари бўй кўрсатди. Оилада тўнғич қиз дунёга келди. Унга яхши ниятлар билан серсоя, гўзал бир дарахтнинг номидан келиб чиққан, жамолу баркамоллик маъносини англатувчи исм қўйишди – қизалоқни Зайнаб деб аташди.

Зайнаб жуда ҳам ёқимтой, гўзал қиз бўлди. Унда отасининг ақлу заковати, онасининг ҳусну латофати балқиб турарди. Ҳали гўдак бўлишига қарамай, қилиқлари катталарникидек маънили, сўзлари залворли эди. Нигоҳидан ақлу фаросати барқ уриб турарди. Ота-онаси Зайнабни жуда ҳам севиб, эркалашса-да, у асло ўзидан кетиб қолмас, талтаймас эди.

Зайнабнинг Ҳола бинт Хувайлид исмли холаси бор эди. У жуда ҳам келишган, фаросатли аёл эди. Опаси Хадижага ўхшаб кетарди, юриш-туришлари, ҳатто овози ҳам уни эслатар эди. Ҳоланинг Лақит исмли ўғли бўлиб, уни эркалатиб Абу Ос дейишарди (Абу Ос – исёнкорлик маъносидан келиб чиққан куня бўлиб, ўжар, қатъиятли одам деган маъноси бор).

Абу Ос ибн Рабиъ кўҳлик, кўркам қоматли, мард ва жасур йигит бўлиб тарбия топди. У ўта ростгўйлиги, бағоят ориятли, самимий ва босиқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У Макканинг энг кўзга кўринган навқирон йигитларидан, саноқли ишончли кишиларидан бири эди. Уни кўрган ҳар қандай она уни қизига куёв қилишни орзу қилиб қоларди.

Зайнаб эндигина ўн ёшга тўлган бўлса-да, вояга етиб, қизлик ҳусни кўзга ташланиб қолди. У пайтларда қизлар эртароқ етилар, эрта турмуш қуришга лаёқатли бўлар экан. Шу боис, у даврда арабларда қизларни 9-10 ёшида турмушга бериш оддий ҳол эди.

Абу Оснинг Зайнабга кўнгли тушиб қолди. Холаси ҳам уни куёв қилишни дилида тугиб юрган эди. Бу ишни амалга ошириш учун жуфти ҳалолига ишора қилиб, оғиз очиб ҳам қўйди. Аммо ишни ҳал қилиш Абу Оснинг ўзига боғлиқ эди. У журъатли, самимий йигит бўлганидан ва қизнинг отаси олийжаноб инсон эканини яхши билганидан ҳеч иккиланмай, ўзи совчи бўлишга қарор қилди.

Қайнота бўлмиш кишини маккаликлар Муҳаммад Амин, яъни ишончли Муҳаммад деб чақиришарди. «Нега уни бундай номлайсизлар?» дейилса, «Чунки у ўта ростгўй, омонатдор, асло ёлғон сўзламайди, ичимиздаги энг ишончли одам», дейишарди. «Қайнота-куёв ўртасида нисбат бўлади» деганларидек, Абу Ос ҳам ўта тўғри, покиза йигит эди. Шу боис у Зайнабга

бўлган муҳаббатини яшириб ўтирмади, бевосита қизнинг отасига ўз муддаосини изҳор қилди.

Ҳар бир суҳбатдошини яхши тинглаб, яхши тушуниб, яхши қабул қилишга одатланган Муҳаммад алайҳиссалом Абу Оснинг совчилигини ҳам самимий қарши олди. «Зар қадрига заргар етади» деганларидек, унинг совчилигини биринчи дафъадаёқ қабул қилди: «Эй Абу Ос, биз сени мард, тўғри инсон деб биламиз, таклифингга қаршилигимиз йўқ. Бироқ Зайнабнинг ўзидан изн олишим керак», деди.

Зайнаб иффату ҳаё даргоҳида униб-ўсгани боис, ўта иболи қиз эди. Отаси ҳам табиатан тортинчоқ одам. У киши қизига ўта эҳтиёткорлик, ҳассослик билан мунобасатда бўларди. Бу гал совчилик ҳақида сўз очишга тўғри келгани учун янада эҳтиёткор бўлиш керак эди. У киши мавзу нозик бўлганидан ўта пардали гап бошлади: «Қизим, холангизнинг ўғли Абу Ос сизни зикр қилмоқда». Зайнаб зийрак бўлгани учун гапнинг мазмунини дарҳол тушунди ва ним табассум қилди-ю, беихтиёр юзлари қизариб кетди, лекин лом-мим демади. Ота бу ҳолат розилик аломати эканини пайқади-да, бошқа гапга ўтмай, қайтиб чиқиб кетди ва Абу Осга розилик билдирди.

Ўша даврнинг урфига кўра тўйга тайёргарлик кўрилди. Гувоҳлар иштирокида никоҳ ўқилди. Никоҳ кечаси Хадижа Зайнабга яхши тилаклар билан ўзининг бўйнидаги маржонни совға қилди. Зайнаб бундан жуда ҳам қувониб кетди. «Бахтли-тахтли бўлиб, ўзларидан кўпайишсин», деган мазмунда дилизҳорлар янгради.

Зайнабнинг Руқайя ва Умму Кулсум исмли сингиллари ҳам бор эди. Бу хонадоннинг фазилати барчага маълум бўлганидан у ерда тарбия топган қизлар қавм ўртасида талаш эди. Тўнғич қизнинг узатилаётганидан хабар топган қариндошлар хонадоннинг кейинги қизларини қўлдан чиқармаслик учун мусобақалашиб кетишди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиларидан бири Абу Лаҳаб ҳаммадан бурун отни қамчилаб, ўзинининг икки ўғли – Утба ва Утайбага Руқайя ва Умму Кулсумнинг қўлини сўраб келди. Отадан етим қолиб, амакиларига ўзгача эҳтиромда бўлган Муҳаммад алайҳиссалом Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамилнинг хулқи ёмонлигини билса-да, қариндошликни бағоят риоя қилганидан совчиларга розилик берди. Қизларнинг волидаси Хадижа она бўлажак хотинқуданинг тили заҳар, бадхулқлигини ўйлаб, бу ишга қаршилиқ қилгиси келди, лекин йигитлар ўз хожасининг амакиваччалари экани эътиборидан, у зотни ўта эҳтиром ва эҳтиёт қилганидан, қолаверса, катта қизини ўз жиянига бера

туриб, энди кейинги қизларини узатишда эрининг уруғини рад этишдан андиша қилиб, ўзини тўхтатди. Шундай қилиб, Руқайя Утбага, Умму Кулсум Утайбага никоҳланди. Бироқ бу тадбир унаштириш мазмунидаги муносабат бўлиб, келин қилиб тушириш кейинроққа белгиланди.

Зайнабнинг тўйидан кейин Абу Ос тижорат учун Шом томон сафар қилди. У пайтларда бундай узоқ масофали сафарлар кўп муддат талаб қилар, ойлаб вақт кетар эди. У сафардалигида нафақат Маккада, балки бутун оламда катта ўзгариш рўй берган, олам узра нур таралган эди: Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий нозил бўлиб, у зот охирзамон пайғамбари бўлган эдилар. У зотнинг рисолатларини жуфти ҳалоллари Хадижа розияллоҳу анҳо биринчи бўлиб тасдиқлади. Тўнғич қизлари Зайнаб ҳам отасини яхши билганидан, у зотнинг ростгўйлигига заррача шубҳа қилмаганидан хабарни эшитган заҳоти, иккинчи ваҳийдан кейиноқ иймон келтирди. Бироқ Абу Ос буларнинг барчасидан бехабар эди.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

«Ҳилол» журналининг 11(32) сонидан